JPA INTERNATIONAL
LLC "TTT-AUDIT"
Uzbekistan
LIMITED LIABILITY COMPANY «TTT-AUDIT» (JPA INTERNATIONAL)
5 office Yangiabod street, Fergana, Uzbekistan, 150100.
Tel.: (91) 651 80 13 (0373) 241 64 48, (95) 400-80-13 Web sayt: ttt-audit.uz Email: tttaudit@mail.ru
The license AF № 00327 issued by Ministry of Finance from 2008.02.25.

АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

Ижобий фикр билдирилган

Хулоса санаси. **06 март 2019 йил**

"QO'RG'ONTEPADONMAHSULOTLARI» акциядорлик жамияти рахбариятига

Манзил: **"QO'RG'ONTEPADONMAHSULOTLARI» акциядорлик жамияти.** Кўргонтепа шахри Бобурийлар кўчаси 100 уй. АТБ Агробанк Кўргонтепа тўлими. х/р 20208 000 100 201 890 001. МФО 00056. ИНН 200 279 414 Оконх 19211. ОКЭД 10610

Биз масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TTT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Манзили: 150100. Фаргона шахри Янгиобод 5 уй уй. ХАБ "TRAST BANK". х/р 20208000100921886001, МФО 01123, ИНН 202216926, Оконх 84400, тел 0(373) 2416448 email: tttaudit@mail.ru.) Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш хукуки билан 25.02.2008 йилда берилган АФ № 00327-сонли Лицензияси хамда Адлия Вазирлиги томонидан 12.05.1997 йилда № 335–реестр билан рўйхатга олинган гувохнома) бош директори бош аудитор САР **Ботиров М Х** томонидан (*Аудитор малака сертификати № 05052 25.08.2017 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган*) хўжалик юритувчи субъект **"QO'RG'ONTEPADONMAHSULOTLARI» акциядорлик жамияти** томонидан тақдим этилган молиявий хисоботнинг "Бухгалтерия баланси Ф-1, Молиявий натижалар Ф-2, "Хусусий капитал" ва "Пул оқимлари тўгрисида"ги хисобот шаклларидан иборат 2018 йил 01 январидан- 2018 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботнинг ишончлилигини **мажбурий** тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект рахбарияти бухгалтерия ҳисоби тўгрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **"QO'RG'ONTEPADONMAHSULOTLARI» акциядорлик жамияти** томонидан илова килинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жихатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўгрисидаги қонун хужжатларига мувофиклиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча ижобий фикр билдириш учун асос бўладиган **"QO'RG'ONTEPADONMAHSULOTLARI» акциядорлик жамиятининг** 2018 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча мухимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

Масъулияти чекланган «TTT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти бош директори бош аудитор. САР **М.Х Ботиров**

Аудитор малака сертификати № 05052 25.08.2017 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган